



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**2023 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРГА
РИОЯ ҚИЛИНИШНИНГ ҲОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ**

2023 йилда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахборот. — Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2024. — 56 б.

Мазкур Ахборотда 2023 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижроси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши, конституциявий ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ҳамда халқаро ҳамкорлик борасидаги фаолиятнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилинган.

Мундарижа

Кириш	4
I. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижроси	7
II. Конституциявий ислохотлар ва инсон ҳуқуқлари	20
III. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши	30
IV. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим	38
V. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик	43
VI. Хулоса ва таклифлар	52

КИРИШ

Ҳозирги кунда бутун дунёда давом этаётган чуқур сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар даврида Янги Ўзбекистонда инсон шаъни ва кадр-қиммати улуғланиб, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

2022 йил 20 декабрь куни мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатида инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, инсоннинг яхши ва сифатли таълим олишига шароит яратиш устувор вазифа сифатида белгиланди ҳамда 2023 йилга **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб ном берилди.

2023 йилда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа **янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумхалқ референдуми йўли** билан қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларининг конституциявий асослари мустаҳкамланди. Конституцияда “давлат – жамият – инсон” тамойили **“инсон – жамият – давлат” принципи**га ўзгартирилди. Яъни, энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишни мақсад қилинганлиги нафақат ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлади, балки уларни амалга оширишнинг реал имкониятларини таъминлаш чора-тадбирларини, кафолатларини яратиб, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, шунингдек халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг ижобий имиджини шакллантириш учун шароитлар яратишга хизмат қилади.

2023 йил 9 июл куни мамлакатимиз ҳаётида яна бир муҳим сиёсий воқеа — навбатдан илгари Ўзбекистон Республикаси **Президенти сайлови** бўлиб ўтди. Мазкур сиёсий тадбирни 15 та халқаро ташкилот, 47 та хорижий давлатдан ташриф буюрган жами 800 нафарга яқин халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан эса 53 минг нафардан зиёд маҳаллий кузатувчи сайловни бевосита кузатди. Сайловни жами 1 минг 400 нафар маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ёритиб борди.

Эътиборлиси, ушбу сайловда қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, унча оғир бўлмаган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, шунингдек, илк бор янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ҳам иштирок этди. Хусусан, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган **34 минг 338 нафар** шахсларга овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Юртимизда таълим самарадорлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида 2023 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ халқаро рейтинглар ва индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилди. 2023 йилда қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари каби рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича муайян ютуқларга эришилди.

Хусусан, 2016–2023 йилларда бир қатор давлатларда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича кўрсаткичлар сезиларли даражада пасайган. 2023 йилда рейтингда иштирок этаётган давлатларнинг **59 фоизида** қонун устуворлиги даражаси тушиб кетганлиги кузатилди.

2016 йилдан буён инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар 4 та давлатдан 3 тасида ёмонлашган. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон минтақавий рейтингда **15 та давлат** ичидан **8-ўринни** эгаллади. 2016 ва 2023 йиллар оралиғида **77 фоиз** давлатларда асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш индексида сезиларли пасайиш кузатилган бўлса, Ўзбекистонда бу соҳада ўсиш қайд этилди.

2023 йилда Ўзбекистон **“Transparency International”** халқаро ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индексида 14 поғонага кўтарилиб, **180 та давлат** орасида **126-ўринни** эгаллади. Шунингдек, **“Жаҳон одил судлов лойиҳаси”** халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг коррупциянинг мавжуд эмаслиги индикаторида **4 поғона**, Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари (WGI) нинг **“Коррупцияни тийиб туриш”** индикаторида **15 поғона**, **“Trace Matrix”** порахўрлик матрицасида **16 поғона**, Ҳукумат очиқлиги бўйича **“Open data inventory”** рейтингда **5 поғона** кўтарилишга эришилди.

Бундан ташқари, Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида Ўзбекистон кўрсаткичлари 8 поғонага юқорилаб, 166 та давлат орасида **69-ўрин**, Иқтисодий эркинлик индексида 8 поғонага яхшиланиб, 176 та мамлакат орасида **109-ўрин** қайд этилди.

2023 йилда инсон манфаатларини илгари суриш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида Ўзбекистон билан БМТ тузилмалари ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўртасидаги самарали мулоқот ва амалий ҳамкорлик янада ривожланди.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг таклифига биноан инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борадаги ислохотлар билан танишиш мақсадида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари **Ф.Тюрк**, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича вакили **Т.Хакала** ва Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили **И.Гилмор**, шунингдек ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори **М.Мекаччи** бошчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимизга ташриф буюрди.

Uzbekistan

Eastern Europe and Central Asia



SDG Dashboards and Trends

Click on a goal to view more information



БМТ Бош котибининг **“Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват”** ташаббусини қўллаб-қувватлаш, шунингдек жамиятда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жумладан, аҳолини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида баён этилган таъйинлар ва нормалар тўғрисидаги билимларини юксалтириш мақсадида 2023 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг самарали бажарилишига қаратилган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиянинг** қабул қилинганига уч йилдан кўпроқ вақт ўтиб, унда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши давом этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Миллий стратегиянинг ба мунтазам мониторинг қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумотни киритиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги **“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини тасдиқлаштириш тўғрисида”** қарори ҳамда 2020 йил 22 июндаги **“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”** фармони талабларига асосан Марказ томонидан **“Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахборот”** тайёрланди.


Ушбу Ахборотда 2023 йилда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномалари бажарилиши ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиянинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинган.

I. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ИЖРОСИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ишлар давом этмоқда. “Йўл харитаси”нинг жами **78 та бандидан 63 та банди (81 %)** бўйича ишлар бажарилган, **1 та банд (1 %)** назоратдан ечилган, **14 та бандни (18 %)** амалга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда.

Миллий стратегияда жами **33 та қонун ҳужжатлари** лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган, хусусан, янги қонун ҳужжатлари лойиҳалари – **20 та**, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳалари – **4 та**, амалдаги қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари – **9 та**.

Ушбу **33 та қонун ҳужжатлари** лойиҳалари – 2020 йилда **20 таси**, 2021 йилда **8 таси**, 2022 йилда **3 таси**, 2023 йилда **2 таси** ишлаб чиқилди.



1. 2023 йилда Миллий стратегия доирасида **8 та** қонун, **7 та** Президент фармон ва қарорлари ҳамда **4 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Жумладан:

- “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”;
- “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”;
- “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;
- “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;
- “Халқаро меҳнат ташкилотининг Ходимларни иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги 148-сонли конвенциясини (Женева, 1977 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”;
- “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”;
- “Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”;
- “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

- “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”;
- “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;
- “Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;
- “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;
- “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони;
- “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;
- “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

- “Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”;

➤ “Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий фойдали дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилишида ижтимоий шериклик ҳамда халқаро ҳамкорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”;

➤ “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини 2023 ва 2024 йилларда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

➤ “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги фармони билан қабул қилинган **“Ўзбекистон–2030” стратегиясида** қонун устуворлигини таъминлаш, қатор устувор мақсад ва вазифалар қаторида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни юқори даражага олиб чиқиш, адвокатура институтининг салоҳиятини тубдан ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш сингари қатор соҳага доир жиҳатлар ҳам қамраб олинди.

Хусусан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши амалиётини **30 фоиздан, 20 фоизга тушуриш**, судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самарадорлигини **50 фоизга ошириш**, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш фаолиятини замонавий технологиялар ва сўнгги илмий ютуқларни жорий этиш орқали тўлиқ рақамлаштириш, адвокатлар сонини камда **2000 нафарга кўпайтириш**, шунингдек, судлар ва тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб, амалга ошириш имкониятларини **2 баробарга ошириш** белгиланди.

Суд-ҳуқуқ тизимида ҳам жаҳон тажрибаси асосида замонавий технологиялар, алоқа воситалари ва ахборот коммунакацион технологияларни жорий этиш соҳа ривожланиши билан бир қаторда фуқаролар учун ҳам енгилликлар яратади. Айниқса, мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари аҳолиси учун вақт ва маблағларни тежаш имконини беради. Бу ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий адолат принциплари асосида қонун устуворлигини таъминлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим жиҳати, «Ўзбекистон–2030» стратегиясида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўрилаётган жиноят ишларининг **100 фоизид**а ҳимоячи ёки жамоат ҳимоячиси таъминлашга эришиш белгиланган. Шу маънода тадбиркорлик фаолиятига аралashiш ва тўсқинлик қилиш, турли бюрократик тўсиқлар қўйиш афсуски, тадбиркорлар орасида қўллаб учраб туради. Янги тарихий ислохотлар натижасида иқтисодиётимизнинг асосий таянчи ва қанотига айланган тадбиркорлик субъектлари учун эса янада қулай имконият, жозибали тадбиркорлик муҳити яратилади.

Шунингдек, «Ўзбекистон–2030» стратегиясида сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон рейтингини кўтариш белгиланган.

Хусусан Ўзбекистон рейтингини ҳуқуқ устуворлиги индекси бўйича **0,64 баллга**, бошқарув сифати индикаторларининг ҳуқуқ устуворлиги йўналиши бўйича **61,5 баллга**, коррупцияни қабул қилиш индексида камида **50 поғонага** кўтариш вазифалари қўйилган.

2. 2023 йил давомида “Йўл харитаси”нинг 6-банди ижросини таъминлаш доирасида (инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этиш масалаларига бағишланган амалий қўлланма, шарҳ ва услубий адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш, давлат органлари ходимлари, шу жумладан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро механизмлар тавсиялари матнлари билан таъминлаш) Марказ томонидан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларининг таржима матнлари қайта таҳрирдан ўтказилди ҳамда 6 та тўплам чоп этилди:

- Birlashgan Millatlar Tashkilotining inson huquqlari bo'yicha xalqaro shartnomalari to'plami. – T.: Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2023. – 170-b.
- Xotin-qizlar huquqlarini himoya qilishga oid xalqaro shartnomalar va O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlari to'plami. – T.: Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2023. – 204-b.
- Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2023. – 290 б. (“Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси”)
- Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига тааллуқли Раҳбарий принциплар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2023. – 26-б. (“Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси”)
- Sud ta'qibini amalga oshiruvchi shaxslarning roliga taalluqli Rahbariy prinsiplar. – T.: Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2023. – 24-b. (“Inson huquqlari kutubxonasi”)
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами (судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун қўлланма) / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Lesson Press, 2023. 196 б.

3. “Йўл харитаси”нинг **18-банди** ижросини таъминлаш доирасида 2023 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”**ги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига **фуқаролик, маъмурий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни** киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Қонунда давлат ҳисобидан юридик ёрдам **кам таъминланган шахсларга, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилган шахсларга ҳамда психиатрия ёрдами кўрсатилаётган шахсларга** кўрсатилиши белгиланмоқда. Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш истагини билдирган шахс “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали электрон шаклда ёки махсус ваколатли давлат органига оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилиши мумкинлиги, шу жумладан, ишни кўриб чиқаётган ваколатли орган ёки мансабдор шахсга давлат ҳисобидан адвокат ажратилиши ҳақида илтимоснома бериши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонунга асосан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган **адвокатларни электрон танлаш имконияти** яратилмоқда. Мазкур адвокатларни ишга

жалб этиш инсон омилиси **“Юридик ёрдам” ахборот тизими** орқали тасодифий танланади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатлар ҳақидаги маълумотлар **“Юридик ёрдам” ахборот тизимида** эълон қилинади. Очiq ва шаффоф бепул юридик ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтирилиши ва шаффоф тизим яратилиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини оширади.

Мисол учун, фуқаролардан 2023 йил давомида **“Мадад” ННТга** жами **204 775 та мурожаатлар** келиб тушган. Шундан, **150 398 та** мурожаат бевосита туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюроларига, **54 377 та** мурожаат Advice.uz ҳуқуқий ахборот портали орқали онлайн режимда келиб тушган.

Жумладан, туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюроларига келиб тушган мурожаатларнинг **22 105 таси (14,7%)** оилавий муносабатларга; **19 955 таси (13,2%)** ижтимоий ҳимоя масалаларига; **16 116 таси (10,7%)** уй-жой, ер ва коммунал масалаларига; шунингдек онлайн режимда келиб тушган мурожаатларнинг **15 118 таси (27,8%)** меҳнат муносабатларига; **5 625 таси (10,3%)** уй-жой коммунал ва ер масалаларига; **5 537 таси (10,2%)** оилавий муносабатларга оид ҳисобланади. Туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюроларига бевосита мурожаат қилган **10 638 нафар** фуқароларга суд ва бошқа давлат органларига мурожаат қилишлари учун ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрлаб берилиб, амалий ёрдам кўрсатилган.

4. “Йўл харитаси”нинг 20-банди ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрь куни **“Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-210-сонли фармони** имзоланди.

Мазкур Фармонга асосан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси **Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия** (кейинги ўринларда – Миллий комиссия) этиб қайта ташкил қилинди. Шунингдек, **Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий маърузачи институти** таъсис этилди.

Миллий комиссия таркибига қуйидагилар киради:

- Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия;
- Муносиб меҳнат масалалари бўйича кичик комиссия.

Фармон билан Миллий комиссиянинг **асосий вазифалари** белгиланган бўлиб, хусусан, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг **одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланган шахсларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш**, шунингдек, муносиб меҳнат тамойилларини, халқаро меҳнат стандартларини кенг жорий этиш, **фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари зиммасига Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича **ҳудудий комиссияларга раҳбарлик қилиш вазифаси** юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан одам савдоси бўйича келиб тушган мурожаатларни қонуний ҳал қилиш, **одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш** ва одам савдосидан жабрланган шахсларни идентификация қилиш йўналишида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2023 йилда Ички ишлар вазирлигига одам савдоси билан боғлиқ жами **579 та** мурожаатлар, шундан, **151 таси** “Долзарб алоқа тармоғи” орқали ва **428 таси** бошқа манбалардан келиб тушган. Барча мурожаатлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилди, шундан **144 та** мурожаат бўйича **189 нафар** айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, **292 та** мурожаат бўйича фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида ҳал этилишида малакали ҳуқуқий тушунтириш берилди, **143 та** мурожаат бўйича амалий ёрдам кўрсатилиб қаноатлантирилди.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, 2021–2023 йиллар давомида одам савдоси билан боғлиқ жами **463 та** (2021 йилда – 132 та, 2022 йилда – 164 та ва 2023 йилда 167 та) жиноят иши тергов қилинган.

Судга юборилган жиноят ишлари доирасида **386 нафар** шахслар (330 нафар аёллар ва 53 нафар эркеклар) айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, уларнинг 190 нафарига қамоқ эҳтиёт чораси, 196 нафарига эса қамоқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёт чоралари қўлланилган.

Тергов қилинган жиноят ишлари доирасида жами **625 нафар** шахслар (528 нафар аёллар, 116 нафар эркеклар, улардан 96 нафари вояга етмаганлар) жабрланувчи деб эътироф этилган.

2023 йил давомида аниқланган одам савдоси жиноятларидан **193 нафар** шахслар жабрланиб, шундан **143 нафар аёллар** (шулардан 6 нафари вояга етмаган) шахвоний мақсадларда фойдаланиш ва 19 нафари меҳнат эксплуатациясидан ва 31 нафар болалар жабрланган жабрланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 январдаги “Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида” 6-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил давомида жами 30 нафар вояга етмаган болалар республика ҳудудига қайтарилиб, Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига топширилди.

Ижтимоий ҳимоя агентлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, 2021–2023 йилларда “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази” хизматларидан **388 нафар** шахс фойдаланган (2021-йилда **175 нафар**, 2022-йилда **122 нафар**, 2023-йилда эса **105 нафар**). Шундан **27 нафарини** эркеклар, **51 нафарини** аёллар ва **27 нафарини** вояга етмаганлар ташкил этган, шундан **13 нафари** қиз ва **14 нафари** ўғил болалар.

5. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажаришни давом эттириш, фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари ва нормалари тўғрисидаги билимларини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги “**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида**” ги фармони имзоланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги **тадбирлар дастури** жами **30 та** банддан иборат бўлиб, **16 та банди (53%)** бўйича ижро муддати якунланиб, ишлар тўлиқ бажарилган, **14 та банди (47%)** бўйича амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

6. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари доимий диққат-эътиборда бўлиб, уларнинг жамиятга интеграция қилиниши, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги “**Ногиронлиги бўлган шахсларни қўлаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарорида инсон ҳуқуқлари, жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар **белгиланди**. Жумладан:

- ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни **замонавий протез-ортопедия мосламалари** билан таъминлаш;

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ҳамда уларга ғамхўрлик қилувчи фуқароларга давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш бўйича имтиёзлар бериш;

- 2023 йил 1 сентябрдан ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминлашда тиббий ҳулоса талаб қилишни бекор қилиш;

- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни протезлар ва оёқ камари ортопед аппаратлари билан бепул таъминлаш;

- Адлия вазирлигининг “**Юридик ёрдам**” ахборот тизимида ногиронлиги бўлган шахсларга бепул ҳуқуқий ёрдам бериш учун алоҳида мурожаат бўлими яратиш.

2023/2024 ўқув йилига қабул жараёнидан бошлаб қабул тартиби, тест синовлари тўғрисида **абитуриентларга** маълумот бериш учун тайёрланадиган материаллар ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматда бўлиши, жумладан, **видеороликлар сурдотаржима ёки субтитрлар** билан намоиш этилиши, таълим олаётган ногиронлиги бўлган талабаларга таълим жараёнида қўмаклашиш учун ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзоси ёки бошқа шахсларга олий таълим муассасасида ногиронлиги бўлган шахснинг ёнида бирга бўлиши учун шароит яратиш белгиланди.

Ҳозирги кунда республика бўйича **390 та** инклюзив синфлар ташкил этилган. **4 та** Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби (хусусан, Тошкент шаҳрида – **2 та**, Фарғона вилоятида – **1 та**, Самарқанд вилоятида – **1 та**) фаолият юритмоқда. Ушбу касб-ҳунар мактабларида **1 510 нафар** ногиронлиги бўлган ўқувчилар таълим олмоқда.

Шунингдек, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб “**Махсус педагогика, дефектология**” магистратура мутахассисликлари бўйича давлат олий таълим муассасаларига қабул тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилиши белгиланди. Хусусан, 2023/2024 ўқув йил учун Республика миқёсда ногиронлиги бўлган шахслар учун жами 3 минг 803 та давлат гранти бўйича алоҳида квота ажратилди (кундузги таълим – 2 542 та, сиртқи таълим – 981 та, кечки таълим – 223 та, масофавий – 57 та).

Ушбу Қарор асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчи фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзларнинг ягона рўйхати шакллантирилди. Ушбу рўйхат асосида ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчи фуқаролар учун турли йўналишдаги 81 та имтиёзлар белгиланди.

7. “Йўл харитаси”нинг **39-банди** ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилган ишлар натижасида 2022 йил 10 март куни пахтадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи жаҳондаги етакчи компанияларни бирлаштирувчи **Cotton Campaign коалицияси** Ўзбекистонда мажбурий ва болалар меҳнати батамом бартараф этилганлигини тан олиб, Ўзбекистон пахтасига қўйилган бойкотни бекор қилди.

Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг олдини олиш мақсадида янги таҳрирдаги Конституциянинг **44-моддасида** “Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади” деб белгилаб қўйилди.

2023 йилда касаба уюшмасининг ишонч телефонлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни аҳолига етказиш ва республика бўйлаб туман ва шаҳарлар марказларида касаба уюшмалари томонидан болалар ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида касаба уюшмалари томонидан **200 та баннер** тайёрланиб, республикамізнинг барча ҳудудларидаги туман, шаҳар марказларига ўрнатилди, шунингдек корхона, ташкилот, муассасалар ва одам гавжум бўладиган жойларга эса **10 минг дона постер** жойлаштирилди ҳамда меҳнаткашлар ва аҳоли вакилларига **200 мингта флаер**лар тарқатилди.

Пахта барқарорлигини таъминлаш бўйича халқаро дастур – Better Cotton ўтказилган мониторинг натижаларини эълон қилди. Унда Ўзбекистонда тизимли мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланмагани қайд этилган. Мониторингда **7 та вилоятдаги** 12 та фермер хўжалигида 1 000 дан ортиқ ишчилар билан ярим тизимли суҳбатлар ўтказилди, бу эса жойларда меҳнат билан боғлиқ вазиятни чуқур ўрганиш имконини берди.

Прокуратура органлари томонидан 2023 йилда мажбурий меҳнатни олдини олишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан жами **14 та** назорат тадбирлари ўтказилиб, қонунга зид бўлган **91 та** ҳужжатга протест келтирилди, **109 нафар** мансабдор шахсларга расман огоҳлантириш эълон қилинди, мутасадди идораларга **15 та** тақдимнома киритилди, қонунни бузган **15 нафар** шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, судларга **16,1 млрд** сўмдан ортиқ иш ҳақини ундириш бўйича **1039 та** ариза киритилди. Назорат тадбирлари натижасида **129 нафар** шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу ўринда, 2023 йил 26 сентябрь куни АҚШ Меҳнат департаменти болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари бўйича ҳисоботида (TDA Report) давлат томонидан болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлиги юзасидан Ўзбекистон кетма-кет иккинчи йил **“сезиларли та-раққиёт”**нинг энг яхши тоифасига кирганини алоҳида қайд этиш лозим.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

2011 йилда Ўзбекистон “давлат томонидан болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича ҳеч қандай мазмунли саъй-ҳаракатларни амалга оширмагани” учун 4-тоифага киритилган эди. 2018 йилда АҚШ Меҳнат департаменти қарори билан Ўзбекистон дарҳол “ўртача” тараққиёт билан 2-тоифага, 2022 йилда эса “сезиларли тараққиёт” тоифасига ўтказилди.

Сўнгги берилган ҳисоботларга кўра, Ўзбекистон 2023 йил 131 давлат ичида Аргентина, Колумбия ва Кот-д’Ивуар билан биргаликда “сезиларли тараққиёт” мақомига сазовор бўлган 4 та давлат қаторидан жой олди.

8. “Йўл харитаси”нинг **44-банди** ижросини таъминлаш доирасида мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд **хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш**, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар тизимли давом эттирилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Гендер тенглик фаоли” миллий танловларини ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан “Гендер тенглик фаоли” миллий танлови ўтказилиб келинмоқда. Гендерга оид аудит, унинг вазифалари, уни ўтказиш ва натижаларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни тақдирлаб бориш мақсадида “Муътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди. Шу кунга қадар мазкур кўкрак нишони билан **1 451 нафар** аёллар тақдирланди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йил 29 сентябрдаги “Коллеж ва техникумларида касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 516-сон қарори қабул қилинди.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб, коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналишлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган хотин-қизлар тўлиқ давлат гранти асосида ўқиши, коллеж ва техникумларга ўқишга қабул қилинган хотин-қизлар учун талаб этиладиган давлат гранти маблағлари республика бюджетидан ажратилиши белгиланди.

2023 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “**Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун асосида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан номақбул ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик янада кучайтирилди, шунингдек оилавий зўравонлик, шилқимлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.




2023 йилда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати туғрисида ахборот


*Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,
эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш,
гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар*



Бугунги кунда



Депутатлар



Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда



Биргина республика ва маҳаллий даражадаги ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларида **241** нафар хотин-қизлар фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг **2** нафари раҳбар (вазир, қўмида раиси), **9** нафари раҳбар ўринбосари (вазир, раис ва директор ўринбосарлари), **14** нафари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, **5** нафари туман(шаҳар) ҳокими ҳамда **212** нафари туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосарлари лавозимида фаолият юритмоқда.

Конунда оилавий (маиший) зўравонлик, таъқиб қилиш, шаҳвоний шилқимлик, аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Буларнинг барчаси зўравонликнинг олдини олиш ва унинг му-дхиш оқибатларига барҳам беришга хизмат қилади.

Хусусан, маиший (оилавий) зўравонлик учун жавобгарлик белгиланмоқда:

- маъмурий жавобгарлик, максимал жазо чораси: БХМнинг 10 баравари-дан 20 бараваригача жарима ёки 15 суткагача маъмурий қamoқ;
- жиноий жавобгарлик, максимал жазо чораси: 10 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси.

Жиноят кодексининг **141³-моддаси**, яъни шахснинг шаънини ва кадр-қиммати-ни камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирув-чи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи модда билан тўлдирилди. Унга кўра, товламачилик аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш би-лан қўрқитиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг *тўрт юз бараваридан олти юз бара-варигача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари* билан жазоланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс шаҳвоний шилқимлик қилганлик учун жавобгарликни белгилловчи **41¹-модда** билан тўлдирилди.

Эндиликда шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки **беш суткагача** муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилган-нидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқ-дорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлади.

Қолаверса, аёлларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя ордери муддати бир йил-гача жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан узайтирилиши белгиланди.

Хусусан, **2023 йил мобайнида 32664 нафар** (2022 йилда 41898 нафар) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери берилди, натижада **14296 та** оилани яраштиришга, **16843 та** низони бартараф этишга эришилган. Низо бар-тараф этилмаган **1444 та** оилада зўравон шахсларни тузатиш дастуридан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Расмийлаштирилган **8527 та** ҳимоя ордерлари бў-йича маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланиб, хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Зўравонлик ҳолатлари оилада – 27917 та (-6317), кўчада – 3369 та (-1853), жамоат жойида – 977 та (-882), иш жойида – 208 та (-251) камайган, таълим муассасида – 194 та (+74) ошган.

Ҳимоя ордери эридан хотинига – 21665 та (-5060), келини томонидан қайнона-сига – 884 та (-495), қайнона томонидан келинига – 1193 та (-604), бошқаларга (бегоналар, қўшнилари, опа-сингиллар, иш берувчилар, ходимлар ва бошқалар) – 8933 та (-3072) берилган.

Зўравонлик турлари бўйича: жисмоний зўравонлик – 6560 та (-434), жинсий зўравонлик – 25 та (-19), иқтисодий зўравонлик – 242 та (-203), руҳий зўравонлик – 189997 та (-4374), тазйиқ – 6830 та (-996), таъқиб этиш – 11 та (+11) содир этилган.

Вилоятлар кесимида: Сурхондарёда – 1202 нафар (-2557), Фарғонада – 1777 нафар (-1157), Бухорода – 2082 нафар (-791), Тошкент шаҳрида – 1867 нафар (-1101), Жиззахда – 1354 нафар (-1326), Наманганда – 1529 нафар (-1092), Қорақолпоғистон Республикасида – 1713 нафар (-578), Хоразмда – 1132 нафар (-1003), Самарқандда – 1832 нафар (-135), Сирдарёда – 2103 нафар (-649), Қашқадарёда – 3504 нафар (-614), Навоий вилоятида – 1563 нафар (-307) камайган, Тошкент вилоятида – 7795 нафар (+1784), Андижон вилоятида – 3211 нафар (+292) содир этилиб ошган.

9. Ўй ҳаритаси”нинг **66-банди** ижросини таъминлаш доирасида “Инсон ҳуқуқлари оид халқаро ҳуқуқ” мутахассисликлари бўйича магистр кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу йўналишда Бош прокуратура Академиясида 2021–2022 ўқув йили учун 10 та қабул квотаси тасдиқланиб, магистрантлар қабул қилинган. 2022/2023 ўқув йилида мазкур мутахассислик бўйича қабул квотаси оширилиб, 15 та қилиб тасдиқланган.

10. “Ўй ҳаритаси”нинг **73-банди** ижросини таъминлаш доирасида “**Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ишчилар тўғрисидаги 156-сон конвенциясини** (Женева, 1981 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида”-ги қонун лойиҳаси (ID-79011) ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди. Мазкур қонун лойиҳаси матни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун 2023 йил 21 май куни Адлия вазирлигига киритилиб, белгиланган тартибда ҳулоса олинди. 2023 йил 15 сентябрда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги 132-сон конвенциясини ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ундаги халқаро стандартлар ва нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласи ўрганилди.

Конвенцияда кўрсатилган масалалар миллий қонунчиликда тартибга солинган бўлиб, ратификация қилиниши натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, ўзгартириш, қўшимча киритиш ва (ёки) ўз кучини йўқотган деб топиш зарурияти мавжуд эмас.

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, келишиш учун вазирлик ва идораларга юборилди (ID 85599). Шунингдек, Конвенцияни ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ундаги халқаро стандартлар

ва нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласини ўрганиш натижалари юзасидан 2023 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилди.

Миллий стратегия асосида белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги ютуқлар билан бирга **айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган**. Жумладан, Миллий стратегия доирасидаги тадбирларни амалга ошириш муддатларининг чўзиб юборилиши ҳамда ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бугунги кунга қадар қабул қилинмаганлиги ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, Миллий стратегия доирасида ишлаб чиқилган 2 та янги кодекс (**Тадбиркорлик кодекси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс**), 6 та амалдаги кодекснинг янги таҳрири (**Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Уй-жой кодекси**) қабул қилинмади.

Бундан ташқари, 2 та янги кодексни (**Соғлиқни сақлаш кодекси, Экология кодекси**) қабул қилиш муддатлари узайтирилган, 1 та янги кодекс (**Ахборот кодекси**) лойиҳасини **ишлаб чиқиш бўйича белгиланган муддат кечиккан**.

II. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Бугунги кунда инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ғояси давлатнинг бутун ички ва ташқи сиёсатининг тамал тошига, Янги Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига ҳамда ушбу эзгу саъй-ҳаракатларни ўзаро боғлаб турувчи муҳим омилга айланди.

Агар дунё мамлакатлари конституцияларида инсоннинг **110** дан ортиқ ҳуқуқи қайд этилганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кунда бу ҳуқуқларнинг **90 таси** мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида мавжуд бўлиб, улардан **40 таси** янги конституциявий ҳуқуқлардир. Бунга қадар Ўзбекистон Конституциясига 1992 йилдан буён жами **16 марта** ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб Конституция янги таҳрирда қабул қилинди. Янгиланиш натижасида Бош Қомусимиздаги моддалар сони 128 тадан **155 тага**, ундаги нормалар эса 275 тадан **434 тага**, жумладан, инсон ҳуқуқларига тааллуқли нормалар 3,5 баробарга ошди.

2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида умумий овоз берувчилар сонининг **90,21 фоизи** “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунини ёқлаб овоз берди ва “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасига кўра Конституциявий қонун қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шу нуқтаи назардан, 2023 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**”ги фармони эълон қилинди. Фармонда Конституцияни амалга ошириш йўналишидаги фаолиятни мувофиқлаштириш тизими, бир қатор янги моддалар бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирлар, уларни амалга ошириш юзасидан ташкилий тадбирлар назарда тутилган. Ушбу муҳим ҳужжат талаблари:

- янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш;
- унда мустақамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улугвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш;
- давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш;
- фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадларига қаратилган.

Янги таҳрирдаги Конституциядаги инсон ҳуқуқларига оид энг муҳим нормалар:

- Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлидир
- Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир
- Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади ҳамда қонунлар, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилайди
- Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас
- Инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак
- Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга
- Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга
- Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга
- Ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга
- Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас
- Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъқиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли
- Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли
- Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади.

Фармонда янги таҳрирдаги Конституция **олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши** белгиланди. Шунингдек, ушбу Фармоннинг 31-бандида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига риоя этилаётганини баҳолайдиган асосий мезонлар (КПИ) ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишига қараб баҳо берадиган кўрсаткичлар ишлаб чиқилди, шунингдек бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишига риоя этилаётганини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда эълон қилинган ижтимоий давлат тамойилларини инобатга олган ҳолда, шунингдек фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини тубдан ошириш мақсадида 2023 йилнинг 1 июнидаги **“Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Президент фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳозирда 6 та вазирликда (камбағаллик, соғлиқни сақлаш, мактаб таълими, молия, ички ишлар, олий таълим) тарқоқ бўлган ижтимоий хизматларни босқичма-босқич бирлаштиради. Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва уни амалга оширади.

Шу ўринда, янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида киритилган муҳим нормалардан бири – бу **ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги** тўғрисидаги қонундан қайд этиш лозим. Ушбу норма фуқароларга ўзгаларни ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қонунда тақиқланмаган ҳар қандай туридан фойдаланишга имконият беради.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияда **ҳар ким, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли** эканлиги белгиланди. Ушбу қоида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди. Албатта, фуқаро ўз давлатида давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлганидан сўнг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

Мисол учун, 2023 йил ҳолатига кўра БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасида Ўзбекистон фуқаролари томонидан юборилган жами **6 та** индивидуал хабарнома кўриб чиқилмоқда.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ролини ошириш, хусусан, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун мазкур институтларга мурожаат қилиш ҳуқуқининг янги таҳрирдаги Конституциянинг

56-моддасида мустаҳкамланиши муҳим демократик жараёнлардан бири десак муболаға бўлмайди.

Шу ўринда, **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг инсон ҳуқуқлари нормаларига мувофиқлиги бўйича бераётган хулосалари ва инсон ҳуқуқларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятини** алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг **5-бандида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни чеклаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари Марказ билан мажбурий равишда келишилиши** лозимлиги белгиланган. Шу муносабат билан Марказ томонидан 2023 йил давомида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига **инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан хулоса** берилган:

1. **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига мувофиқ келиши юзасидан хулоса тайёрланди. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (8-модда) ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (10-модда)га биноан ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим. Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив баённома, Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танафурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция, Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари таъқиқлаш ва тугатиш бўйича зудлик билан чоралар кўриш тўғрисидаги конвенция (182-сон Конвенция), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги баённома (Палермо протоколи) ва бошқаларга қўшилиш орқали олган мажбуриятларига мувофиқ.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалари нормаларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

2. **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб бир тоифа фуқароларни бошқа тоифа фуқаролардан устунлигини ёки нуқсонли эканлигини тарғиб қилганлик, никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик, кўп хотинли бўлишни тарғиб

қилганлик, шахсга нисбатан унинг жинсий мансублигига қараб ҳар қандай шаклдаги тазйиқ ва зўравонликни тарғиб қилганлик, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлигини инкор этганлик, фуқароларни миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб камситганлик ҳамда диний ташкилот томонидан ўзининг уставида назарда тутилмаган фаолият билан шуғулланганлик учун тегишли жавобгарликни белгилаш назарда тутилган.

Қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартиришлар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, жамоат хавфсизлиги таъминланишига, жамиятда миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро стандартлар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги юзасидан хулоса берилди.

3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.

Қонун лойиҳаси 7 та боб ва 44 та моддадан иборат бўлиб, қуйидагиларни назарда тутлади:

а) Болалар омбудсманини сайлаш тартиби жорий этилмоқда (5 ва 6-моддалар), хусусан:

Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан депутат ва сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан 5 йил муддатга сайланади (Мазкур лавозимга 25 ёшга тўлган, камида 5 йил республика ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин);

Ушбу лавозимга номзод Олий Мажлис палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

б) Болалар омбудсманининг асосий вазифалари белгиланмоқда (10-модда):

– бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажаришда иштирок этиш;

– бола ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

– бола ҳуқуқларига оид қонунчилик талабларининг ижросини ўрганиш, бола ҳуқуқлари таъминлашини мониторинг қилиш;

– имконияти чекланган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашиш;

– боланинг ҳуқуқларига риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш ҳолатидан жамоатчиликни хабардор қилиш ва бошқа вазифалар.

в) Болалар омбудсмани маърузаси Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида ҳар йили эшитилиши назарда тутилган.

Қонун лойиҳасига кўра Болалар омбудсмани боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафили бўлади. Лойиҳа инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро стандартларни, хусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилдаги резолюцияси билан тасдиқланган “Париж тамойиллари”, ЮНИСЕФ ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан белгиланган тамойилларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги юзасидан хулоса тайёрланиб, таклифлар билан Қонунчилик палатасига тақдим этилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизадан ўтказилмоқда.

2023 йилда жами 87 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган (70 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат **project.gov.uz** портали орқали экспертизадан ўтказилган). Шулардан: 41 та қонун, 5 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 7 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, 14 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳалари инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича жами 100 дан ортиқ таклифлар билдирилган.

2023 йилда



жумладан, 2023 йилда

- “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни,
- “Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқий давлат концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси,
- “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси,
- “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси,
- Ўзбекистон Республикасининг Аҳоли соғлиғини сақлаш кодекси лойиҳаси,
- “Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси,
- “Болаларни зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси,
- “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ва бошқалар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишлаб чиқилган Олий суд Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”, “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”, “Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” ҳамда “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорлари лойиҳалари ўрганиб чиқилди. Ушбу ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлардан келиб чиқиб, тегишли таклиф ва тавсиялар киритилди.

Мамлакатимизда барча шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари доимий диққат-эътиборда бўлиб, уларни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида 2023 йилда ҳам Марказ ташаббуси билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди. Хусусан, **3 та** қонун лойиҳаси, **2 та** Президент фармони лойиҳаси, **1 та** Президент қарори лойиҳаси шулар жумласидандир.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралда қабул қилинган **“Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори** лойиҳасини тайёрлашда иштирок этди.

2. Ўзбекистон Республикасининг **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси** ишлаб чиқилди. Лойиҳа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиб, 2023 йил 28 августда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига тегишли қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Хусусан, Жиноят-ижроия кодекси **“Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олидини олиш бўйича Миллий превентив механизми”** деб номланган **4¹-боб** билан тўлдирилмоқда. Мазкур бобда, миллий превентив механизм иштирокчилари, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мониторинг ташрифлари турлари ва даврийлиги, мониторинг ташрифларини ўтказиш тартиби, мониторинг ташрифлари якунлари бўйича тавсиялар бериш, мониторинг ташрифлари натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги ва улардан фойдаланиш тартиби ва бошқа масалалар ўз аксини топган.

3. Ўзбекистон Республикасининг **“Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси** ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа 2023 йил 14 сентябрь кун Олий Мажлис палаталарига тақдим этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси 10 та моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутлади:

– Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга янги очилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ишни қайта бошлаш асосларига қўшимчалар киритишни;

– Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунига қўшимчалар киритишни, унга кўра Марказ директори Сенат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқини олади. Бундан ташқари, Сенат қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг амалга оширилиши бўйича миллий ҳисоботларни) тайёрлаш тўғрисидаги маълумотларни эшитиш тартиби жорий этилишини;

– Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуни парламент назорати шакллари билан тўлдирилишини. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга риоя этилиши ҳолати тўғрисида ҳамда ушбу йўналишда парламент назоратини амалга ошириш тартибини белгилаш ҳақидаги маълумотларни эшитиш тўғрисидаги нормаларни киритишни.

4. **“Ирқий камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг (Нью-Йорк, 1965 йил 21 декабрь) 8-моддаси 6-бандига киритилган тузатишни ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси** ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан идоравий келишилди. 2023 йил 25 апрель куни қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

5. **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 287-банди ижросини таъминлаш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармони** лойиҳаси тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Фармон лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазалар бериш юзасидан 20 дан ортиқ вазирлик, идора ва ташкилотларга project.gov.uz тизими орқали дастлабки келишувга киритилиб, келиб тушган таклифлар асосида лойиҳа такомиллаштирилди. 2023 йил 12 май куни “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида” ПФ-70-сон Фармони қабул қилинди.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан вазирлик, идора ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг таклифлари асосида **“Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури лойиҳаси ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” лойиҳалари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини ишлаб чиқиш жараёнида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий таълим дастурлари/режалар бўйича 12 та давлатнинг илғор тажрибаси ва хорижий тажрибалардан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан **“Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури”** тасдиқланди.

2023 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлис палаталари, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим ва илмий ташкилотлар вакиллари ҳамда Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирокидаги йиғилишда Конституциявий суднинг Конституция ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга мувофиқ мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Йиғилишда қайд этилишича, Конституция билан миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, давлат ҳокимияти, ижтимоий-сиёсий институтларнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича янгича ёндашувлар белгилаб берилди. Хусусан, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатчилик тамойиллари ўзгармас қоида сифатида мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, Конституциявий суд аҳоли мурожаатларида кўтарилган конституциявий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди ва қуйидагиларни таклиф этди:

- ✓ бола ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари кузатилаётганини инобатга олиб, болаларни турли кўринишдаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш, бу борада ота-оналар, таълим муассасалари, бошқа мутасадди идоралар масъулиятини ошириш, тегишли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

- ✓ конституциявий нормаларга риоя этмаслик бўйича тезкор чоралар кўриш билан чекланмасдан, уларни юзага келтирган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли чораларни кўриш;

- ✓ фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш институтини фуқаролар учун янада қулай қилиш, конституциявий одил судловга эришишни таъминлаш мақсадида фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича қўшимча чоралар кўриш;

- ✓ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик, етарлилик конституциявий принципларига риоя этишни таъминлаш мақсадида айрим жиноий ва маъмурий жазо чораларини, молиявий санкциялар, неустойка (пеня, жарима) ҳамда бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қайта кўриб чиқиш;

- ✓ вилоят, туман (шаҳар) судьяларининг тегишли халқ депутатлари Кенгашлари олдида ахборот бериш амалиёти судьянинг мустақиллиги ва ҳолислигига раҳна солиши мумкинлигини инобатга олиб, ваколатли давлат органларининг ушбу тартибни бекор қилиши;

- ✓ аҳоли таклифларидан келиб чиқиб, алоҳида жиноятлар, биринчи навбатда, фирибгарлик бўйича жазони енгилроғи билан алмаштиришда судла-

нувчи томонидан жабрланувчига етказилган зарар қопланилганини инобатга олиш талабини киритиш орқали жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратиш¹.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 133-моддаси иккинчи қисмида фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги норманинг мустаҳкамланиши бир вақтнинг ўзида жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар сифатида, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил белгиланиши инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 27-моддасига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 184¹-моддасининг Ўзбекистон Республикаси **Конституциясига мувофиқлигини кўриб чиқиш юзасидан мурожаат** тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига **тақдим этилди**.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги Ахбороти // <https://www.konstsud.uz/uz/news/2023/03/13/ozbekiston-respublikasi-konstitutsiyaviy-sudining-mazhlisi-bolib-otdi-2>.

III. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган шартномаларнинг бажарилиши бўйича БМТнинг шартномавий органларига ўз вақтида Миллий маърузаларини тақдим этиб келмоқда.

1. 2023 йил давомида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан БМТнинг шартномавий қўмиталарига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги миллий маърузалари тақдим этилди:

➤ **Инсон ҳуқуқлари бўйича маърузаларнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикасининг Умумий асосий маърузаси.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича маърузаларнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикасининг умумий асосий маърузасини янгиланган таҳрирда тайёрлаш мақсадида 2023 йил 6 январда 40 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотларига таклиф ва маълумотлар сўраб мурожаат қилинди, улардан олинган таклифлар ва маълумотлар ҳамда охириги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ислохотлар тўғрисидаги маълумотлар асосида Умумий асосий маъруза тайёрланди. Умумий асосий маъруза 2023 йил 30 май куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва тегишли қўмиталарига тақдим этилди.

➤ **Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бирламчи миллий маърузаси.**

Ушбу миллий маъруза Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича қонунчилик таҳлили ҳамда 30 дан ортиқ давлат органлари ва 10 та нодавлат нотижорат ташкилотининг маълумотлари асосида тайёрланди. Миллий маърузани тайёрлаш жараёнида Марказ томонидан халқаро ва миллий ҳамкорлар қўмагида 6 та тадбир ўтказилди. Жумладан, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси аъзоси Д. Герел иштирокида семинар-тренинг ташкил қилинди. Мазкур ҳисобот Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ташқи ишлар вазирлиги орқали БМТнинг шартномавий органлари махсус тартиб-таомилларига мувофиқ Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитасига тақдим этилди.

➤ **Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенция бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи миллий маърузаси.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан 35 дан ортиқ тегишли вазирлик ва идоралар вакилларида иборат Ишчи гуруҳ би-

лан ҳамкорликда БМТнинг Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияси бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи миллий маърузаси тайёрланди. Мазкур ҳисобот Марказ томонидан 2024 йил 4 январь куни Ташқи ишлар вазирлиги орқали БМТнинг шартномавий органлари махсус тартиб-таомилларига мувофиқ Қийноққа қарши қўмитасига юборилди.

Маърузани тайёрлашда 35 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ҳамда 10 дан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

2. 2023 йил 8–10 ноябрь кунлари бўлиб ўтган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Универсал даврий ҳисоботи бўйича Ишчи гуруҳининг 44-сессиясида **Ўзбекистоннинг Тўртинчи миллий маърузаси** кўриб чиқилди.

Марказ томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Универсал даврий ҳисобот доирасида Ўзбекистон Республикасининг Тўртинчи миллий ҳисоботи даврий маърузаси тайёрланди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши махсус тартиб-таомилларига мувофиқ Ўзбекистоннинг навбатдаги ҳисоботи маърузаси 2023 йил 7 август куни Ташқи ишлар вазирлиги орқали кенгашга тақдим қилинди.

Ушбу ҳисобот маъруза БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши резолюцияларига (A/HRC/RES/16/21 ва A/HRC/DEC/17/119) мувофиқ тайёрланди. Ҳисоботни Маърузани тайёрлашда 30 дан ортиқ давлат органлари ҳамда 10 дан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Универсал даврий ҳисобот доирасида Ўзбекистон Республикасининг Тўртинчи миллий ҳисоботи даврий маърузаси 2019 йилдан – ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган.

2023 йил 31 март куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий бўлинмаси “UPR info” ННТ билан биргаликда Ўзбекистоннинг Универсал даврий ҳисоботининг 4-цикли бўйича “Универсал даврий ҳисоботини амалга ошириш бўйича миллий ҳисоботни даврий маърузани тайёрлашнинг энг яхши амалиётлари” мавзусида онлайн семинар-тренинг ўтказди. Миллий семинарда 20 дан зиёд давлат органлари вакиллари, мутахассислар ва экспертлар иштирок этди. Иштирокчилар универсал даврий ҳисобот доирасида миллий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича асосий талаблар билан таништирилди.

Марказ томонидан 2023 йил 16 октябрь куни Тошкент шаҳрида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий бўлинмаси ва “UPR info” билан ҳамкорликда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий ҳисоботи доирасида кўриб чиқилиши режалаштирилган Ўзбекистоннинг Тўртинчи даврий маърузасини эшитиш билан боғлиқ тадбир ташкил этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Ишчи гуруҳининг 44-сессиясида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган маъруза бўйича **84 давлат** сўзга чиқди ва **244 та тавсия** берилди. Ушбу тавсияларда Ўзбекистонда сўз ва ОАВ эркинлигини таъминлаш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, инсон ҳуқуқлари бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш, аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш, аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, коррупцияга, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарали натижалари эътироф этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан берилган тавсиялар давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда кўриб чиқилмоқда.

3. БМТ шартномаларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган Миллий ҳаракатлар режаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати мониторинг қилинди.

Шунингдек, 2023 йил 28 февраль куни БМТ шартномаларининг мамлакатимизда бажарилишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш юзасидан **халқаро жамоатчилик** муҳокамаси бўлиб ўтди. Тадбир БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий бўлинмаси, Халқаро юристлар комиссияси ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

2023 йил давомида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг 5 та йиғилишида Миллий ҳаракатлар режалари мониторинги юзасидан эшитувлар бўлиб ўтди.

Таҳлиллار шуни кўрсатмоқдаки, Миллий ҳаракатлар режаси ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан айрим давлат органлари томонидан тақдим қилинаётган маълумотларда тегишли ахборотлар ўз ифодасини топмаган, айрим ҳолларда эса, берилган статистик маълумотларда номувофиқликлар кузатилмоқда. Шунингдек, маълумот тақдим этишга масъул бўлган ходимнинг керакли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий механизмларнинг тавсияларини юзаки бажарилишига олиб келмоқда.

4. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида қабул қилинган қонунларнинг ҳудудларда ижроси мониторинг қилиниб, бу борада йўл қўйилган **камчиликлар аниқланди.**

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ўтказиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси вакиллари дан иборат Ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳи томонидан белгиланган режа асосида 2023 йил 16–17 ноябрь кунлари Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида **“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспорт воситаларидан фойдалана олиш имконияти”** юзасидан мониторинг ўтказилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Самарқанд шаҳридаги халқаро аэропорт, темир йўл вокзаллари ҳамда автобус бекатларида ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган қулайликларни кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотида кўра, бугунги кунда Самарқанд вилоятида жами **99640 нафар** ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд. Шундан **44814** нафарини **аёллар (44 %)**, **54826** нафарини **эркаклар (56 %)** ташкил қилади. Самарқанд шаҳрида эса жами

12868 нафар ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд. Шундан **5999** нафарини аёллар (**46 %**), **6873** нафарини эркеклар (**54 %**) ташкил қилади.

Мониторинг натижасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ қўйидаги муаммолар аниқланган:

- лицензияга эга автобусларнинг асосий қисми (тахминан 74%) Isuzu автобуслари бўлиб, асосан шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда ҳаракатланади. Ушбу автобуслар тор кириш эшиги ва зинапояларга эга бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилмаган;

- автобус бекатларида ногиронлиги бўлган шахслар учун жойларни кўрсатадиган белгилар ҳамда бекат ва тротуарларда кўзи ожиз шахслар ҳаракатланиши учун тактил қопламалар мавжуд эмас;

- Самарқанд шаҳрининг янги қурилган автобус бекатларида аравачаларда ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун пандуслар мавжуд эмас, бекатларда ҳаракатланиш йўналишлари бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Мониторинг жараёнида Самарқанд шаҳридаги **Темир йўл вокзали ўрганилганда** ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳит юзасидан қўйидаги камчиликлар аниқланди:

- аравачада ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахслар поездга кириши учун фақатгина “Афросиёб” поездларида пандуслар мавжуд;

- кўзи ожиз ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланиши учун тактил қопламалар мавжуд эмас;

- кутиш залида ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида белгили жойлар ажратилмаган;

- кутиш залидан чиқиб поездга етиб бориш учун қурилган пандусларнинг ҳам қиялиги жуда баланд.



Самарқанд халқаро аэропортида барча зарур воситаларни, шу жумладан, самолёт бортида йўловчиларни ташиш учун амбулатор лифтлар билан (амбулифт) таъминлангани, аэропорт терминал мажмуаларига кириш пандуслар билан жиҳозлангани ва ногиронлиги бўлган йўловчиларга барча шароитлар яратилгани аниқланди.

Мониторинг хулосаларига асосан ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган хизматларни амалга оширишда қуйидагилар тавсия қилинди:

- янги қурилган автобус бекатларини фойдаланишга топширишни қабул қилиш жараёнида комиссия таркибига ногиронлиги бўлган шахслар ташкилоти вакиллари кириштириш, қурилиш лойиҳа ҳужжатларини ногиронларнинг жамоат ташкилотлари билан келиштириш;

- автобус бекатлари, темир йўл вокзалларида ва бошқа шу каби жамоат муассасаларидаги пандусларни “O’z DSt 3644:2023 «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Пиёдалар ўтиш жойлари. Тасниф. Умумий талаблар» Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти асосида қуриш, шунингдек, Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга қатъий риоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги қонунига ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган қурилмалар ва технологияларни, шунингдек уларнинг ҳаракатланишини осонлаштирувчи воситаларни жорий қилишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни кириштириш таклиф этилади.

Мониторинг яқунлари бўйича маълумот ва тавсиялар Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш, Транспорт вазирлигига киритилди.

5. 2023 йил давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТнинг бошқа механизмлари тавсияларини амалга ошириш мақсадида ҳам Миллий ҳаракатлар режаларининг ижроси мониторинг қилинди. Хусусан:

- **БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Ўзбекистонга ташрифи яқунлари юзасидан тавсияларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”¹;**

- **БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифи яқунлари юзасидан тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасининг жами 13 та бандидан 4 та банди (30%) бўйича ижро муддати яқунланиб, ишлар тўлиқ бажарилган. 9 та бандини (70%) амалга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда.**

Ушбу Миллий ҳаракатлар режаси ижросини таъминлаш доирасида: **2 та** халқаро шартномани ратификация қилиш масаласи ўрганилди, **1 та** чора-тадбирлар режаси тайёрланди, **15 та** семинар-тренинг ташкил қилинди, **4 та** ўқув курслари ташкил этилди, **2 та** қонун лойиҳаси, **2 та** ҳукумат қарори ишлаб чиқилди.

6. БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари ҳамда бошқа механизмларининг тавсияларини амалга ошириш мақсадида 2 та янги миллий ҳаракатлар режалари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

¹ Қаранг: 5 бўлимда батафсил маълумот берилган.

➤ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистоннинг Бешинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш натижалари бўйича якуний мулоҳаза ва тавсияларини амалга ошириш юзасидан **2023–2027 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси** лойиҳаси;

БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг (2022 йил 31 август – 1 сентябрь кунлари 91-сессиясида) Ўзбекистоннинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни бажарилиши юзасидан Бешинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш натижалари бўйича якуний мулоҳаза ва тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорлик қилинди.

2023 йилнинг 18–20 май кунлари “Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларини амалга ошириш бўйича халқаро мажбуриятлари ҳамда миллий ҳаракат режаларини тайёрлаш ва амалдаги миллий механизмларни кўриб чиқиш” мавзусида бўлиб ўтган семинар-тренинг доирасида жами 101 та банддан иборат “Миллий ҳаракатлар режаси” лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳа 23 та вазирлик, идора ва ташкилотлар билан келишилди.

2023 йил 13 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси йиғилишида БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2023–2027 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси кўриб чиқилди.

2023 йил 23 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган болалар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, ногиронлиги бўлган шахслар иштирокида БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Ўзбекистон учун тавсиялари юзасидан маслаҳатлашув бўлиб ўтди. Маслаҳатлашув давомида Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Жумладан, U-Report томонидан 1800 дан ортиқ иштирокчиларнинг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича сўрови натижалари тақдим этилди. Тадбир иштирокчилари ҳукумат ва парламентга болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, жумладан, Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси юзасидан бир қатор таклифлар билдирди.

Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасида Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг ҳар бир тавсиясини бажариш механизмлари, бажариш бўйича масъуллар ва бажариш муддатлари ўз ифодасини топган. Миллий ҳаракатлар режасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ва социологик тадқиқотлар ўтказиш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, тегишли институтларни ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини кучайтириш, ходимларнинг малакасини ошириш, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар белгиланган;

➤ БМТнинг **Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойилларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси** лойиҳаси.

Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси 20 дан ортиқ вазирлик ва идоралар билан келишилгандан кейин, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича Парламент комиссиясига кўриб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кен-

гашининг ва Сенат Кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқлаш учун киритилди. 2023 йил 11 октябрь Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ушбу Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Ушбу Миллий ҳаракатлар режасининг мақсад ва вазифалари қуйидагилар:

- давлат томонидан жисмоний шахслар ва фуқароларни тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишидан ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини миллий ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ бажариши;
- корхоналарни ўз фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш юзасидан мажбуриятларини бажариш учун кўрилиши керак бўлган чоралар бўйича бошқариш;
- тадбиркорлик билан боғлиқ жабрланувчилар учун давлат суд ва суддан ташқари ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини ошириш механизмларини таклиф қилиш ва корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини рағбатлантириш, уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган тарзда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш.

7. Жазони ижро этиш муассасаларида суд ҳукми билан тайинланган **жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга, тергов ҳибсхоналари ҳамда махсус қабулхоналарда сақланаётган шахсларга** яратилган шарт-шароитлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган инсон ҳуқуқларига риоя этилиши, аҳволи юзасидан **мониторинг ташрифлари** амалга оширилди.



Ўзбекистон Республикаси
ИИВнинг маълумотларига кўра:



Мониторинг тадбирларини ўтказиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Барқарор ривожланиш маркази ҳамда “Мадад” нодавлат ноtijорат ташкилоти вакилларида иборат бўлган мониторинг гуруҳи шакллантирилди.

2023 йилда **Андижон, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё** вилоятларида жойлашган жами **33 та жазони ижро этиш муассасаларида** инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолият амалиёти ўрганилди.

Жазо муддатини ўтаётган айрим маҳкумлар билан уларга яратилган шарт-шароитлар, озиқ-овқатларнинг сифати, меҳнат шароитлари, виждон эркинлигига риоя этилиши, муассаса ходимларининг уларга нисбатан муомаласи, тазйиқ ва зўравонликлар содир этилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилганда қуйидаги камчилик ва муаммолар аниқланди:

- айрим жазони ижро этиш муассасаларидаги даволаш-профилактика бўлимларида турли тиббиёт ходимлари лавозимлари узоқ вақтдан буён вакант бўлиб турганлиги;

- жазони ижро этиш муассасалари ҳамда тергов ҳибсхонасида ташкил этилган тиббиёт хоналаридан фойдаланишда ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар яратиш;

- айрим жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд иш цехлари жойлашган (икки қаватли) бинолари зиналарини маҳкумларнинг жароҳат олишларини олдини олиш мақсадида меҳнат хавфсизлиги талабларига мослаштириш, ишга жалб этилган маҳкумларни махсус кийим-бош, ниқоб, кўзойнак каби ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва доимий равишда иш фаолиятида фойдаланишини назорат қилиш;

- муассасаларда маънан ва жисмонан эскирган дастгоҳларни жорий ва капитал таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш;

- маҳкумлар ва ушланган шахсларнинг ўқув, бадий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ахборот материалларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаси, тергов ҳибсхоналарида ташкил этилган кутубхоналарни инсон ҳуқуқларига оид адабиётлар билан бойитиш, кутубхоналардаги Ўзбекистон Республикаси кодекс ва қонунларини уларга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларни мунтазам киритиб бориш йўли билан уларни тўлиқ назорат ҳолатида юритиш.

Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига тавсия хатлари киритилди.

IV. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг ўз ҳуқуқларини билиб олиш, талаб қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича билим, кўникма ва қадриятларни ривожлантириш учун ғоят аҳамиятлидир. Кенг маънода, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим деганда, одамларни ҳуқуқий билим, кўникма ва тушунчалар билан қуроллантириш ҳамда умуминсоний маданиятни шакллантириш ва ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш имконини берадиган таълим, ўқитиш, тарқатиш, ахборот, амалиёт ва фаолият тушунилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим қуйидаги асосларга кўра муҳимдир:

- демократия, ижтимоий адолат, қонунийлик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилларини мустаҳкамлашга ёрдам беради;
- инсонларга ўз ҳуқуқларини билиш, даъво қилиш ва ҳимоя қилиш имконини беради;
- маданий хилма-хилликни, хусусан, миллий, этник, диний, лингвистик асосга кўра турлича бўлган жамоалар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиради ҳамда низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга ёрдам беради;
- инсонлар орасидаги ўзаро ҳурмат, инклюзивлик ва камситмаслик ғояларини ривожлантиради;
- жамиятдаги ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширади ва мавжуд муаммоларни (гендер тенглиги, зўравонлик, қийноқлар ва бошқаларни) ҳал қилишга ёрдам беради.

Шу ўринда, Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурида фаол иштирок этиб келаётганини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан **Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури** тасдиқланди. Миллий таълим дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада ривожлантиришга, аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, шунингдек давлат хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Дастур лойиҳаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бўйича қўмитаси вакиллари ҳамда миллий экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилинди. Қарор билан **7 та устувор йўналиш** ва **30 та банддан** иборат Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курсларини доимий равишда ташкил этиш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги бўйича ўқув курслари жорий этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги туркум қўлланма ва рисоалар тайёрланиб, шу асосда семинар-тренинглар ўтказиб бориш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни бугунги кунга қадар **10 та банди** (33,3) бўйича ишлар бажарилган, **14 та банд** (47%) бўйича ишлар бажарилмоқда, **5 та банди** (16,6%) тўлиқ бажарилмаган, **1 та банди** (3,3%) бажарилмаган.

Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар доирасида 2023 йил давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

➤ 2023 йил 20–28 февраль кунлари “Инсон ҳуқуқлари” ҳафталиги ўтказилди. “Инсон ҳуқуқлари ҳафталиги” давлат органлари, таълим ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бутун мамлакат миқёсида ўтказилди.

Ҳафталик давомида олий ва умумтаълим муассасаларида “**Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари**”, “**Инсон ҳуқуқлари олий – қадрият**” мавзуларида **50 га яқин** семинар, давра суҳбати, маҳорат дарслари, видеоконференция, учрашувлар ўтказилди.

Мамлакатимизнинг туман, шаҳар ва маҳаллаларида “Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият” мавзусида “Прокурор ва ёшлар”, “Судья ва ёшлар”, “Адлия раҳбари ва ёшлар”, “ИИБ раҳбари ва ёшлар”, “ДХХ раҳбари ва ёшлар” каби турли учрашувлар ташкил этилди. Мамлакат миқёсида ташкил этилган учрашувларда **14 мингдан** ортиқ ёшлар иштирок этди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тест саволларини ўз ичига олган “**Инсон ҳуқуқлари билимдони**” викторинаси ташкил этилди. Шунингдек, “Тонг юлдузи”, “Класс” газеталари таҳририятлари билан ҳамкорликда “**Инсон ҳуқуқлари болалар нигоҳида**” танлови ўтказилди;

➤ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ, ЖИДУ, ИИБ Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Давлат ва ҳуқуқ институтлари билан ҳамкорликда профессионал ва олий таълим учун “**Инсон ҳуқуқлари**”, “**Аёллар ҳуқуқлари**”, “**Бола ҳуқуқлари**” бўйича тегишлича ўқув курслар дастури ишлаб чиқилди, тасдиқланди ҳамда **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** профессионал ва олий таълим тизимида жорий этилди;

➤ 2023 йил 29 июль ҳамда 5, 12 ва 19 август кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Судьялар олий мактаби, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда Олий суди ўзаро ҳамкорликда “Одил судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш” мавзусида 4 ҳафталик ёзги мактаб ташкил этилди. Мазкур ёзги мактабда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар суди ҳамда прокуратураларининг **60 нафар** ходимлари иштирок этди;

➤ Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари бўйича “Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар, ёшлар ва аёлларга нисбатан ҳуқуққа асосланган ёндашувни

жорий этиш. ННТ ва муқобил ҳисоботлар”, “БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузасини тайёрлаш” ҳамда “Миллий қонунчиликни Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мослаштириш” мавзуларида семинар-тренинг ва давра-суҳбатлари ташкил этилди;

➤ 2023 йил 15 август куни Марказ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда “**Инсон ҳуқуқлари – келажак авлодлар учун**” мавзусида ўқувчи ва талабалар ўртасида ёзги мактаб ташкил этилди;

➤ 2023 йил 16 август куни Мигрантлар ҳуқуқлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари учун “**Мигрантлар ҳуқуқлари: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик**” мавзусида ўқув курслари ташкил қилинди. Машғулотларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг марказий аппарати ва минтақавий филиалларининг **100 нафар** ходимлари тингловчи сифатида қатнашди.

Бундан ташқари, 2023 йил давомида давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва қийноққа қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилди.



Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан Ҳуқуқни муҳофа- за қилиш Академияси, Давлат ва ҳуқуқ институти, ИИБ Малака ошириш институ- ти, ИИБ Академияси билан ҳамкорликда ҳамда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда Фарғона (22–23 февраль), Бухоро (29–30 март), Тошкент (18–19 апрель), Сур- хондарё (17–18 май), Андижон (20–21 июнь), Наманган (22–23 июнь) Жиззах (25–26 июль), Сирдарё (27–28 июль), Навоий (19–20 сентябрь), Самарқанд (21–22 сентябрь) вилоятларида **“Қийноққа солишга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва мил- лий тажриба” мавзусида** онлайн ва офлайн форматда ўқув курслари ташкил этил- ди. Ўқув курсларида ҳар бир ҳудуддан ички ишлар (50 нафар) ва прокуратура (10 на- фар) тизимидаги терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасаларининг жами **590 нафар** хо- димлари иштирок этди.

Шунингдек, 2023 йил 19–21 июнь кунлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида, 23 июнь куни Бухоро шаҳрида **“Нельсон Мандела қоидаларининг асосий тамой- иллари ва жазони ижро этиш муассасаларида қийноқлар, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини олдини олиш” мавзусида** тренинглари ўтказилди. Ўқув машғулотида Тошкент шаҳри ва Тош- кент, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги жазони ижро этиш муассасалари вакилларида иборат **100 нафарга** яқин тингловчилар иштирок этди.

Марказ томонидан 2023 йил 20–21 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Озодлик- дан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олди- ни олиш ва унга қарши курашиш” мавзусида тренинг ташкил этилди.

Тренинг Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жазони ижро этиш департаменти то- монидан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси ҳамкорлиги- да ташкил этилди. Унда асосий эътибор жазони ижро этиш муассасаларида гендер зўравонликка қарши курашиш борасидаги халқаро стандартлардан хабардорликни оширишга қаратилди.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ходимлари ва фуқа- ролик жамияти институтлари фаоллари учун “Аёллар ҳуқуқлари” ўқув курслари да- стури ишлаб чиқилди.

2023 йил 6–7 сентябрь кунлари Марказ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳу- зуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамкорлигида “Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қи- лишда халқаро ва миллий механизмлар” мавзусида ўқув курси ташкил этилди.

Машғулотларда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вакиллари, Аёлларни реа- билитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, унинг ҳудудий бўлимлари ва намунали туманлараро марказлари директорлари, ушбу марказ ҳуқуқшунослари, жами 50 нафар иштирокчи қатнашди.

2023 йил 27–28 сентябрь кунлари вазирлик, идора, ташкилот ва ҳокимликлар ах- борот хизматлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун “Инсон ҳуқуқла- рини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ва мазкур соҳада халқаро мажбурият- ларнинг бажарилиши масалалари” мавзусида ўқув курси ўтказилди. Ўқув курси ин- сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлатимиз сиёсати ҳамда ушбу соҳада халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ахборотни кенг жамоатчилик ва хорижий давлатларнинг сиёсатини шакллантирувчи доираларга етказиш самара- дорлиги ва сифатини ошириш мақсадига йўналтирилди.

Ўқув курсида 79 нафар давлат ташкилотларидан жамоатчилик билан алоқалар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик учун масъул ходимлар, шунингдек матбуот котиблари, вазирлик, идора ва ташкилот, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари иштирок этди.

2023 йил 14–17 ноябрь кунлари Марказда “Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилишнинг халқаро стандартлари: амалиёт ва ҳисобот” мавзусида онлайн ва офлайн форматда ўқув курси ташкил этилди.

Ўқув курсида 20 дан ортиқ Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришда фаол иштирок этаётган давлат органлари ва ташкилотлар мутахассислари тингловчи сифатида иштирок этди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича интерактив курслар ташкил қилиниб, (электрон платформа) тест режимида ишга туширилди. Электрон платформада (<http://ecourse.nhrc.uz>) 5 та интерактив курслар мавжуд. Бугунги кунга қадар 50 дан ортиқ тингловчилар электрон платформада рўйхатдан ўтиб, ўқув курсларини тамомлади.

Ўзбекистонда 2023 йилнинг 1–10 декабрь кунлари “Инсон ҳуқуқлари” ўн кунлиги тадбирлари ўтказилиб, унинг доирасида мамлакатдаги барча умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кунга бағишланган умуммиллий дарс ўтказилди.

2023 йил якунлари бўйича давлат органларининг тегишли ходимлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув курсларида жами 1050 нафар ходимлар малакаси оширилди.

2023 йил давомида Республикамизнинг ахборот-кутубхоналари марказлари, мактаб ва қатор олий таълим муассасалари кутубхоналарига жами 2620 та инсон ҳуқуқларига оид адабиёт ва 650 та ҳуқуқий журналлар беғараз тақдим этилди. Бундан ташқари, Республикамизнинг 10 та вилоятида “Қийноққа солишга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба” мавзусида бўлиб ўтган ўқув машғулотлари тингловчиларига 2200 та китоб тақдим этилди.



V. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон минтақавий ва жаҳон миқёсида фаол сиёсат олиб бориб, халқаро ҳамкорликнинг барча жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда.

1. Ўзбекистон халқаро ташкилотлар доирасида халқаро норма ижодкорлик фаолиятида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. 2023 йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юқори даражадаги саммитлар, халқаро ва минтақавий форумларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласига оид **қатор ташаббуслар** илгари сурилди.

2023 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан **“Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” резолюцияси** 2023 йил 19 декабрда бир овоздан қабул қилинди. Резолюцияда Марказий Осиёда иқлим ва экологик таҳдидларга самарали қарши курашиш мақсадида барқарор қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, барқарор туризмни ривожлантириш, “ақлли шаҳарлар” ва барқарор транспортни яратиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Мазкур резолюция Марказий Осиё минтақасидаги инсонларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

2023 йил 4–18 октябрь кунлари Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 217-сессиясида **Ўзбекистон ташаббуси “Халқаро ахборотдан эркин фойдаланиш кунини муносабати билан Тошкент декларацияси” резолюцияси** бир овоздан маъқулланди. Тошкент декларацияси 2022 йил 28–29 сентябрь кунлари ЮНЕСКО билан биргаликда Халқаро ахборотдан эркин фойдаланиш кунини муносабати билан Тошкентда ўтказилган “Сунъий интеллект, электрон бошқарув ва ахборот эркинлиги” мавзусида халқаро конференция якунлари бўйича қабул қилинган.

Жорий йилнинг 16 октябрь кунини Женевада БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 54-сессияси чоғида Марказий Осиё мамлакатларининг (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон) биргаликдаги ташаббуси билан **“Ҳар бир бола учун тинчлик ва бағрикенглик руҳида сифатли таълимни таъминлаш” резолюцияси** қабул қилинди.

Ҳужжат БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлган 47 давлатнинг барчаси томонидан истисносиз равишда бир овоздан маъқулланди. Уни БМТ тизимида мавжуд бўлган барча минтақавий гуруҳларнинг вакили бўлган 61 давлат қўллаб-қувватлади ва унга қўшилди.

Лойиҳа Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари дипломатия ваколатхоналарининг яқин ҳамкорлигида ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертлари тавсиялари асосида ишлаб чиқилган.

2022 йил 5–6 декабрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган **“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим”** Глобал форумининг якуний ҳужжати ҳам халқаро даражада эътироф этилиб, **БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати** сифатида БМТга аъзо барча давлатлар, унинг ихтисослашган муассасалари ўртасида тарқатилди, А/77/800 рақами остида ташкилот журнали ҳамда унинг расмий ҳужжатлар тизимида жойлаштирилди. Ушбу ҳужжат олти тил – араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилларига таржима қилинган.

Annex to the letter dated 20 February 2023 from the Permanent Representative of Uzbekistan to the United Nations addressed to the Secretary-General

[Original: Russian]

Outcome document of the Global Forum on Human Rights Education (Samarkand, 5 and 6 December 2022)

Samarkand Plan of Action for the Promotion of Human Rights Education for 2023–2024

We, the participants in the Global Forum on Human Rights Education, including representatives of government authorities, educational institutions, academia, civil society and international organizations, held in Samarkand, Uzbekistan, on 5 and 6 December 2022:

Express our appreciation to His Excellency Shavkat Mirziyoyev, President of the Republic of Uzbekistan, for his initiative to convene this Forum, as announced at the seventy-sixth session of the United Nations General Assembly and the forty-sixth session of the Human Rights Council,¹ and to the National Human Rights Centre of the Republic of Uzbekistan for organizing it in cooperation with the Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights (OHCHR), the United Nations country team in Uzbekistan, the Organization for Security and Cooperation in Europe (OSCE), the Council of Europe, the Friedrich Ebert Foundation and other international and national partners;

Believing, inspired by the words of the Universal Declaration of Human Rights, that “recognition of the inherent dignity and of the equal and inalienable rights of all members of the human family is the foundation of freedom, justice and peace in the world” and that “every individual and every organ of society, keeping this Declaration constantly in mind, shall strive by teaching and education to promote respect for these rights and freedoms”;

Reaffirming the meaning and value of the Universal Declaration, since the Global Forum is taking place in the lead up to Human Rights Day 2022, which will mark the launch of a global year-long campaign to commemorate the seventy-fifth anniversary of the Universal Declaration of Human Rights under the slogan “Dignity, freedom and justice for all”;²

Considering that human rights education and training are essential to promoting universal respect for and observance of all human rights and fundamental freedoms for all, in accordance with the principles of universality, indivisibility and interdependence, and are necessary to ensure the full participation of people in all decision-making processes affecting their lives – civil, political, economic, social, cultural, environmental and digital – and to prevent discrimination and other human rights violations, as well as violence and conflicts;

Recognizing the importance of avoiding the politicization of human rights, including through the use of human rights education platforms to incite violence and hatred, and reaffirming that the origins of human rights education lie in human rights

¹ <https://president.uz/ru/acts/view/4632>; <https://president.uz/ru/acts/view/4179>.

² www.ohchr.org/en/get-involved/campaigns/human-rights-day.

Ҳужжатда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг нормалари ўз ифодасини топиб, “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги” ҳамда “ҳар бир шахс ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ушбу Декларацияни доимо ёдда тутган ҳолда таълим ва тарбия орқали маъмур ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига қўмаклашишга таяниши лозим”лиги қайд этилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури**нинг яқинлашиб келаётган **бешинчи босқичи яна ёшларга қаратилган** бўлиб, дастур болалар, рақамли технологиялар, иқлим ўзгариши ва гендер масалаларини ҳам қамраб олади. Бу масалаларнинг барчаси “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форумида таклиф қилинган эди.

2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорлик янада ривожланмоқда.

2023 йил **13–15 март кунлари** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари **Фолькер Тюрк** расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. БМТ Олий комиссари Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни илгари суриш, суд идораларининг мустақиллигини ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муваффақиятлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури қабул қилингани, мамлакатимиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилгани, қийноқларнинг олдини олиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари иштирокидаги превентив механизм яратилгани, можаролар ҳудудларидан хотин-қизлар ва болалар ўз юртига қайтарилгани, уларнинг қайта ижтимоий интеграциялашуви учун барча зарур шароитлар яратилганини юқори баҳолади.

Шунингдек, БМТ Олий комиссари мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида ўзининг бир қатор таклиф ва тавсияларини берди. Жумладан, жамиятнинг барча жабҳаларида гендер

нотенглигини бартараф этиш, қийноқларнинг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш, ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг тўлақонли иштирокини таъминлаш учун давлат органлари керакли шарт-шароит яратиши, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини профессионал асосда ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенат Кенгашининг 2023 йил 10 июндаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Ўзбекистонга ташрифи якунлари юзасидан тавсияларни амалга ошириш бўйича **“Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида**”ги қўшма қарори қабул қилинди. **“Йўл харитаси”** жами **31 та** банддан иборат бўлиб, **13 та банди (42%)** бўйича ижро муддати якунланиб, ишлар тўлиқ бажарилган. **18 та банди (58%)** амалга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда. **“Йўл харитаси”**да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида: **2 та** халқаро шартномани ратификация қилиш масаласи ўрганилди, **3 та** миллий маъруза тайёрланди, **13 та** семинар-тренинг ташкил қилинди, **2 та** қонун лойиҳаси, **2 та** ҳукумат қарори ишлаб чиқилди, **9 та** ўқув курслари ташкил этилди.

Ўз навбатида, 2023 йил 10 декабрь куни Женева шаҳрида **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигига бағишланган тантанали маросимда** Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон делегациясининг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк билан учрашуви бўлиб ўтди. Ф.Тюрк мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо бериб, Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича **“Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни** амалга оширишда кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

2023 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг махсус тартиб-таомиллари (процедуралари) билан амалий ҳамкорлик давом эттирилди. Ҳозирги вақтда Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг махсус маърузачилар сони 59 тани ташкил этади, улардан 45 таси аниқ мавзу доирасида бўлса, 14 таси эса муайян мамлакатларга тегишли. Ўзбекистон томонидан ушбу маърузачиларга мамлакатга ташриф юзасидан доимий таклифнома тақдим қилинган. Ҳозирда БМТнинг қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачи билан Ўзбекистонга ташрифи юзасидан ҳамкорлик қилинмоқда.

Шунингдек, 2023 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг махсус маърузачиларнинг 2 та қўшма мурожаатлари ва 2 та якка тартибдаги мурожаатлар келиб тушди. Махсус маърузачилар мурожаатларида келтирилган масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази маълумотнома тайёрланиб, махсус маърузачиларга тақдим этилди.

БМТнинг **Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида** халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи механизмларнинг тавсияларини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ходимларини ўқитиш бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ижобий баҳолаган.



**2023 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро
ва хорижий ташкилотлар билан
ҳамкорлик (халқаро ташрифлар)**



Ҳисоботда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан Ўзбекистоннинг ҳамкорликда амалга оширган тадбирлари тўғрисида маълумотлар қайд этиб ўтилган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим масалаларига бағишланган Глобал форумнинг ўтказилиши, давлат органлари ходимлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг инсон ҳуқуқлари ва гендер масалала-

ри бўйича ўқитиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро механизмлар бўйича билимларини оширишга бағишланган семинар ва тренингларда иштирок этгани қайд этилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти** ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари жадаллашиб бормоқда. 2023 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтган **конституциявий референдум** ҳамда **муддатидан илгари** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЕХХТ вакиллари томонидан халқаро кузатув олиб борилди.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси мамлакатга сайлов жараёнини демократик сайловлар бўйича халқаро стандартларга яқинлаштиришда ёрдам бериш бўйича тавсиялари билан якуний ҳисоботларни эълон қилди. Ҳисоботларда қайд этилишича, бўлиб ўтган конституциявий референдум ва муддатидан олдин президентлик сайловига техник жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрилган, Бюронинг аввалги тавсияларига мувофиқ бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилган, Марказий сайлов комиссияси ўз вазифаларини самарали бажарган, бироқ қуйи бўғин комиссияларида бетарафлик ва мустақиллик етишмаган. Бюро томонидан сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш бўйича бир қатор тавсиялар билдирилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва илғор хорижий тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг мантикий давоми сифатида 2023 йил 18 декабрь куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинди. Қонунга кўра, сайлов соҳаси бўйича бир қатор янги нормалар жорий қилинди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш ҳамда Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2023 йилнинг 11-15 ноябрь кунлари ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегация аъзоларининг Ўзбекистонга ташрифи амалга оширилди. Ташриф дастури доирасида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Олий суд, Бош прокуратура, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотлар чоғида томонлар Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасида кейинги йилларда ўрнатилган очиқ ва ишончли мулоқот мамнуният билан қайд этилди. М.Мекаччи Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ижобий баҳолаб, мамлакат қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш бўйича конструктив ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор эканликларини таъкидлади. Шунингдек, Бюро Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари, парламентаризм, суд ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳаларида яқин ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди.

2023 йилда Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик муносабатларига алоҳида эътибор қаратди.

2023 йил 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккинчи саммити доирасида Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель билан учрашув ўтказди. Учрашув доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва минтақавий форматда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалаларнинг кенг доираси кўриб чиқилди. Еврокенгаш Президенти Шарль Мишель давлатимиз раҳбарини Конституция бўйича референдум натижаларини қайд этиб, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортга қайтмас демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкотнинг бекор қилиниши, Ўзбекистонда тизимли болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилиши натижасида Европарламент Ўзбекистоннинг текстил протоколига қўшилиши ҳақидаги қарорни қабул қилди. Европа Иттифоқининг Ўзбекистонга “GSP+” умумий преференциялар тизими бўйича бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинганлиги натижасида 6200 турдаги маҳсулотлар экспортига божхона имтиёзлари тақдим қилинди. Ушбу тизим қатор мажбуриятларни юклайди, жумладан, мамлакат **инсон ҳуқуқлари, экология, меҳнат ҳуқуқлари, самарали бошқарувга оид 27 та халқаро конвенцияларни** самарали бажариш мажбуриятини олади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда фаол ташқи иқтисодий муносабатлар натижасида 2023 йил 22 ноябрь куни Европа Иттифоқи преференцияларнинг бош тизими плюс («GSP+») **амалдаги муддатини келгуси тўрт йилга, яъни 2027 йил 31 декабрга қадар узайтириш** бўйича қарор қабул қилинди.

2023 йилнинг 17–19 апрель кунлари Европа Иттифоқининг Марказий Осиё ва Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакиллари Т.Хакала ва И.Гилмор бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Европа Иттифоқи делегацияси аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди. Европа Иттифоқи Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакилининг фикрича, Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ютуқлари, янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган нормалар акс эттирилаётгани ижобий баҳоларга муносибдир.

2023 йил 24 апрель куни Люксембургда Ўзбекистон – ЕИ ҳамкорлик Кенгашининг 17-йиғилиши бўлиб ўтди. Европа делегациясига Чехия Ташқи ишлар вазир Я.Липавский (Европа Иттифоқи Кенгашининг раисидан бири) раҳбарлик қилди.

Йиғилишда Европа Иттифоқи Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги, гендер тенглик, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати, яхши бошқарув ва коррупцияга қарши кураш, шунингдек давлат бошқаруви, одил судлов, иқтисодиёт, ижтимоий масалалар ва муносиб меҳнат соҳасидаги ижобий ўзгаришлар алоҳида қайд этилди. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги 25 дан ортиқ халқаро конвенциялар ратификация қилингани юқори баҳоланди.

2023 йил июнь ойида Брюссель шаҳрида **“Ўзбекистон – Европа Иттифоқи” адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва тегишли масалалар бўйича Кичик қў-**

митасининг 19-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи вакиллари қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, тадбир доирасида терроризм, наркотрафик ва терроризмга қарши курашиш, чегараларни бошқариш, божхона тизимини ривожлантириш соҳаларида икки томонлама муносабатларнинг бутунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Халқаро ҳамжамият томонидан **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ҳамда Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллиги** кенг нишонланди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2023 йил 19 декабрдаги 78-194-сон резолюциясида “давлатларни барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури қоидаларини амалга ошириш бўйича ўз мажбуриятларини икки баравар оширишга чақиради”.

2023 йил 13–16 июнь кунлари Марказ директори Пекин шаҳрида **“Тенглик, ҳамкорлик ва тараққиёт: Инсон ҳуқуқлари бўйича глобал бошқарув ҳамда Ҳаракатлар дастури ва Вена декларациясининг 30 йиллиги”** мавзусида бўлиб ўтган инсон ҳуқуқлари бўйича Глобал бошқарув форумида асосий маъруза билан иштирок этди. Форумда 300 мамлакатдан 100 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассислар (парламентлар аъзолари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар раҳбарлари, ташқи ишлар, Адлия вазирли-

клари, суд органлари вакиллари), БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, инсон ҳуқуқлари бўйича етакчи ташкилотлар вакиллари, Хитой илмий-тадқиқот институтлари ва етакчи таҳлилий марказлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

2023 йил 24–26 май кунлари Жидда шаҳрида бўлиб ўтган **Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг 21-сессиясида** Марказ вакили маъруза қилди. Сессияда “Тадбиркорлик ва инсон ҳуқуқлари: ИХТ мамлакатлари учун норматив-ҳуқуқий база ва йўриқномалар” мавзусида муҳокамалар бўлиб ўтди. Ушбу юқори савияда ташкил этилган халқаро семинарда 100 га яқин иштирокчилар, жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар экспертлари, шунингдек ИХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар вакиллари ва уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари раҳбарлари иштирок этдилар.

2023 йил 13–16 июнь кунлари Вена шаҳрида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Австрия ҳукумати томонидан ташкил этилган **“Вена бутунжаҳон конференцияси 30 йиллиги: бизнинг ҳуқуқлар – бизнинг келажак”** мавзусида юқори даражадаги Бутунжаҳон конференциясида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.



2023 йилнинг 21–22 сентябрь кунлари Италиянинг Рим шаҳрида “Жаҳонда омбудсманнинг ўрни: ҳақиқат ва имконият ўртасида” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция бутун дунёдаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар учун ўз давлатларидаги фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги умумий масалаларни муҳокама қилиш ҳамда илғор тажриба алмашиш ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил қилинди. Тадбирда дунёнинг барча мамлакатларидан 250 дан ортиқ омбудсманлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар вакиллари иштирок этди.

2023 йил 23 октябрь куни Тошкент шаҳрида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий бўлими, БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий мувофиқлаштирувчиси офиси, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Фридрих Эберт номидаги жамғарма билан ҳамкорликда гибрид форматда “**Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари**” мавзусида халқаро форум ўтказилди.



Форумда миллий ва хорижий экспертлар, Марказий Осиё мамлакатларининг ёшлар ташкилотлари етакчилари, ёшлар парламентлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари – онлайн ва офлайн шаклда жами 850 нафар иштирокчи қатнашди.

Форумда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришнинг мавжуд халқаро ва минтақавий воситалари ва механизмларини такомиллаштириш, шунинг-

дек уларнинг ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида ёшлар ҳуқуқлари самарадорлиги ва имкониятларини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро форумда якуний ҳужжат – **Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси** ишлаб чиқилди.

2023 йилнинг ноябрь ойида “Болалар ва ёшлар ҳаракатда – Марказий Осиёда иқлим ўзгариши” халқаро форуми бўлди. Тадбир “Замин” халқаро жамоат фонди томонидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамкорлигида Бутунжаҳон болалар кўни ва БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конвенция иштирокчилари конференцияси (COP-28) муносабати билан ташкил этилди.

Форумда Ўзбекистоннинг биринчи хоними Зироат Мирзиёева, Туркия Республикасининг биринчи хоними Эмине Эрдоған, Эрон Ислом Республикаси Президентининг рафиқаси Жамиле Аъламулхудо, Қирғиз Республикасининг биринчи хоними Айгул Жапарова, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, ёш экофаоллар иштирок этди.

2023 йил 14 декабрь кўни Тошкент шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Халқаро миграция ташкилотининг мамлакатимиздаги миссияси билан ҳамкорликда “Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция тўғрисидаги глобал шартномани имплементация қилишга қўмаклашиш” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Халқаро давра суҳбатида Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг тегишли давлат муассасалари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, илмий ва академик доиралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати доирасида хавфсиз, тартибли ва қонуний миграциянинг миллий тизимини ривожлантириш бўйича илғор тажриба ўрганилди ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида миграция масалалари бўйича мулоқот ва тажриба алмашинуви-га қўмаклашиш истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида қатор хорижий давлатларнинг миллий институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Ҳамкорлик меморандумларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш йўналишидаги фаолиятни биргаликда қўллаб-қувватлаш, мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма ўқувлар ва семинарлар, илмий тадқиқотлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида халқаро ва минтақавий механизмларда ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

VI. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

2023 йилда бутун дунёда содир бўлаётган зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар, юз бераётган глобал муаммолар ва ўзгаришлар, шунингдек глобаллашув ва рақамлаштириш даврида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш жамиятнинг барқарор ривожланишининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш борасида, хусусан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қийноқларга қарши курашиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа йўналишларида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

2024 йилда халқаро ҳамжамият томонидан Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинганлигининг 45 йиллиги, Қийноқларга қарши конвенцияси қабул қилинганлигининг 40 йиллиги ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганлигининг 35 йиллиги кенг нишонланади.

Бунда халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, шунингдек аҳоли, ёшлар ва болалар учун дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлаш муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа нодавлат но-тижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда миллий маърузалар тайёрла-нишида бир қатор муаммолар мавжуд:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро мажбуриятларида қайд этилган давлатнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсоз-лик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шаро-итлар яратиш, барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхши-лаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тад-бирларни амалга ошириш каби вазифаларни амалга оширишда камчилик ва муам-молар мавжуд;

иккинчидан, бола ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари кузатилаётганини инобат-га олиб, болаларни турли кўринишдаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш, бу борада ота-оналар, таълим муассасалари, бошқа мутасадди идоралар масъулиятини оши-риш, тегишли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадга муво-фиқ;

учинчидан, 2020 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган ва 2021 йилда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинган бўлса-да, вилоятларда умумий фойдаланишдаги транспорт воситаларини, ахборотни ҳамда алоқа воситаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда мазкур объектлардан ногиронлиги бўлган шахсларнинг монелик-сиз фойдаланишлари учун шароитлар яратилмаган;

тўртинчидан, айрим жазони ижро этиш муассасаларидаги даволаш-профилактика бўлимларида турли тиббиёт ходимларининг етишмаслиги маҳкумларни тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини чекламоқда, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилинмаганлик ҳолатлари мавжуд;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича айрим давлат органлари томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг ноаниқлиги ва бир давлат органи томонидан ҳар хил маълумотлар берилиши натижасида БМТ қўмиталари томонидан берилган тавсияларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш имконини бермаяпти;

олтинчидан, индивидуал хабарларни кўриб чиқиш бўйича БМТ шартномавий қўмиталарининг қарорларини ижро этишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаган, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини судлар томонидан қўллаш амалиёти йўлга қўйилмаган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тавсияларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни самарали бажаришга эришиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

➤ **1. Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганлигининг 45 йиллиги, Қийноқларга қарши конвенция қабул қилинганлигининг 40 йиллиги ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганлигининг 35 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.**

➤ **2. Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалаларига оид халқаро ташаббуслари доирасида, шунингдек иқлим ўзгаришларини инсон ҳуқуқларини таъминлашда салбий таъсирини олдини олиш юзасидан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида экология таҳдидлари масаласига бағишланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш.**

➤ **3. “Болаларни зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилиш жараёнини жадаллаштириш. Ушбу қонунда болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш, тазйиқларга чек қўйиш механизминини такомиллаштириб, болаларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишда давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаш. Шунингдек, тазйиқ ва зўравонликка учраган болаларга комплекс ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш.**

- 4. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий шарҳ бўйича Ўзбекистоннинг Тўртинчи миллий маърузаси юзасидан билдирилган тавсияларни амалга ошириш мақсадида “2024–2027 йилларга мўлжалланган Инсон ҳуқуқлар бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш.
- 5. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида индивидуал хабарларни кўриб чиқиш бўйича БМТнинг шартномавий қўмиталари тавсияларини бажариш масалаларини ҳал қилиш учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро органлар қарорлари Ўзбекистон Республикаси томонидан ижро этилиши тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш.
- 6. БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятининг дастуриламал тамойиллари”ни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини қабул қилишни тезлаштириш.
- 7. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа фуқаролар билан тенг равишда транспортдан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишда уларнинг иштирокини ҳамда улар учун умумий фойдаланишдаги транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлигини таъминлаш. Шуниндек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
- 8. Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхонасида ташкил этилган тиббиёт хоналаридан фойдаланишда ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар яратиш ҳамда маҳкумларни хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» кутубхонаси

**2023 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
МАЖБУРИЯТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНING
ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ**

Нашр учун масъул М. Тиллабаев
Нашрга тайёрловчилар К. Олимова, С. Бозоров
Компьютерда саҳифаловчи А. Жуманиязов

Чоп этишга 2024 йил 9 февралда рухсат берилди.
Бичими 60 x 84 1/8.
«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табағи 4,3. Нашр табағи 2,5.
Адади 100 нусха. Буюртма № 6.

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.
100029, Тошкент, Ислон Каримов кучаси, 15.